

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЮҚОРИ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
ҚУРИЛИШ КАФЕДРАСИ**

**Биолар ва иншоотлар қурилиши бакалавр босқичи битиривчиси  
Баходир Бекмуратов  
«Нукус шаҳрида кам қаватли синчли турар жой биносини лойихалаш»  
мавзуси бўйича**

**ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИНГ  
Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И**

**Кафедра мудири:**

**т.ф.к. Д. Жумамуратов**

**Диплом лойихаси рахбари:**

**проф. Қ. Абдурашидов**

**Н у к у с 2012–й и л**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
ҚУРИЛИШ КАФЕДРАСИ

БИНО ВА ИНШОАТЛАР ҚУРИЛИШИ БАКАЛАВР БОСҚИЧИ  
ДИПЛОМ ЛОЙИХА БАЖАРИШ БОЙИЧИ ТОПШИРИҚ

Битирибчи: Баходир Бекмуратов

1. Диплом лойихаси мавзуси: **«Нукус шаҳрида кам қаватли синчли турар жой биносини лойихалаш».**

ҚДУ буйича 2012-йил «\_\_» \_\_\_\_\_ сонли қарор билан тасдиқланган

2. Диплом лойихасини бажариш учун малумотлар: бионинг хизмат курсатиш даражаси- II-даража, бионинг чидамлилиги II-даража, маҳаллий климатология  $-18^{\circ}\text{C}$   $+25^{\circ}\text{C}$ , музлаш чуқирлиги 0,9 метр, қурилиш майдонининг рельефи- текис.

3. Тўшинтириш хатида келтириладиган малуматлар:

а) Архитектурaviй-қурилиш бўлими бойича: *Бионинг архитектурвий ечимлари, Бино қаватлари ҳам қаналар тизими, фундаментлар, деворлар, ора деворлар, теразалар, эшиклар, поллар, оралиқ бостирмалар элементларини таллаш, Талланган конструкциялар ҳам материаллар ГОСТ га асосланиб олинган.*

б) Ҳисоблаш-конструктивлик бўлими бойича: *Бионинг биринчи ва иккинчи қаватларига тушадиган юкларни йиғамиз, Устун ва ригелларнинг жамланган нисбий бикирликларини аниқлаш, қаватлараро ва том ёнма сатҳларида тўпланган массаларни аниқлаш, Бино каркаси хусусий тебранишларининг такрорлилиги ва шакилларини аниқлаш, Эркин тебраниш шаклларини аниқлаш, Бинога таъсир этувчи ҳисобий сейсмик кучларни аниқлаш, Тебранишларнинг шакл коэффициентларини аниқлаш, бино каркаси рамасини сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблаш, Тебранишларнинг биринчи ва иккинчи шаклларини эътиборга олган ҳолда эгуви моментларнинг якуний эпюрасини қуриш, рийгел ва устунларга арматура таллаш.*

в) Қурилишни ташкиллаштириш технологияси бўлими:

*Материаллар экспликацияси, кровля ишларини ташкиллаштириш, Монтаж ишларининг микдорини ҳисоблаш, Монтаж ишларини бажаришида фойдаланиладиган йўқ кутарувчи ускуналар характеристикаси, Конструкцияларни монтаж қилиш учун қран танлаш, Конструкцияларни проект бойича баландликка урнатишида қран стреласининг йўқ кутариш учун талаб қилинадиган баландлиги ( $H_{\text{вл}}$ ) аниқланади, Элементларнинг монтаж курсаткичлари.*

г) Мехнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги бўлими: *Мехнат муҳофазаси ва уни ташкиллаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чоралар, ёнгин ҳавфсизлиги*

д) Пайдаланылган адабиятлар дизими.

4. Диплом лойихасининг чизмалар тизими:

а) Архитектура-қурилиш бўлими: *Бионинг фасади, қаватлар лойихаси, қирқимлар, бўлмалар тизими.*

б) Ҳисоблаш-конструктивлик бўлими: *Ригелнинг кўндаланг кесими, Бино каркасининг статик (а) ва динамик (б) ҳисоблаш схемалари, Бино каркасининг кўндаланг рамасининг ҳисоблаш схемаси, Тебраниш шакллари, Рамани ҳисоблаш схемаси, Тебранишларнинг биринчи шаклига оид эгуви моментлар эпюраси, Тебранишларнинг иккинчи шаклига оид эгуви*

моментлар эъюраси, Яқуний эғувчи моментлар эъюраси, Ригельга арматура таллаймиз, Устунга арматура таллаймиз.

в) Қурилишни ташкиллаштириш технологияси бўлими: Колоннани монтажлаш схемаси, Плитани монтажлаш схемаси, Монтаж ишларининг микдорини хисоблаш,

5. Диплом лойихаси бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

| № | Диплом лойихаси бўлимлари                       | Бошланиш вақти | Тамомлаш вақти | Имзо | Маслаҳатчи фамилияси |
|---|-------------------------------------------------|----------------|----------------|------|----------------------|
| 1 | Архитектуравий-қурилиш бўлими                   | 7.05.12        | 16.05.12       |      |                      |
| 2 | Хисоблаш-конструктивлик бўлими                  | 17.05.12       | 26.05.12       |      |                      |
| 3 | Қурилишни ташкиллаштириш технологияси бўлими    | 27.05.12       | 6.06.12        |      |                      |
| 4 | Мехнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги бўлими | 7.06.12        | 16.06.12       |      |                      |

6.Топшириқ берилган вақти: «\_\_»\_\_\_\_\_2012 -йил

7.Яқунлаган диплом лойихаси топшириш вақти: «\_\_»\_\_\_\_\_2012-йил

Диплом лойихаси бошлиғи:\_\_\_\_\_проф.Қ. Абдурашидов

Кафедра мудири:\_\_\_\_\_ т.ф.к. Д. Жумамуратов

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди:\_\_\_\_\_Б. Бекмуратов

## Мундарижа

|                                                                                                                     |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш .....</b>                                                                                                  | <b>5</b>  |
| <b>I. Архитектуравий қурилиш бўлими .....</b>                                                                       | <b>7</b>  |
| 1.1. Бинонинг архитектуравий ечими                                                                                  |           |
| 1.2. Қурилиш майдони бўйича қисқача муҳандислик характе-<br>ристика.                                                |           |
| 1.3. Танланган конструкция ва материаллар                                                                           |           |
| <b>II. Конструктив ҳисоблаш бўлими .....</b>                                                                        | <b>18</b> |
| 2.1. Ҳисобий сейсмик кучлашни аниқлаш                                                                               |           |
| 2.2. Қаватлараро ва том ёзма сатҳларида тўпланган<br>массаларни аниқлаш.                                            |           |
| 2.3. Бино каркаси хусусий тебранишларининг такрорлилиги ва<br>шакллари аниқлаш.                                     |           |
| 2.4. Тебранишларнинг биринчи ва икинчи шакллари эътибори<br>олган ҳолда эгуви моментларнинг якуний эпюрасини қуриш. |           |
| 2.5. Ригел ва устунларга арматура танлаш.                                                                           |           |
| <b>III. Технология ва қурилишни ташкиллаштириш бўлими .....</b>                                                     | <b>32</b> |
| 3.1. Материаллар экспликацияси, кровля ишларини<br>ташкиллаштириш.                                                  |           |
| 3.2. Монтаж ишларининг миқдорини ҳисоблаш.                                                                          |           |
| 3.3. Монтаж ишларини бажаришда фойдаланиладиган йүк<br>кўтарувчи ускуналар характеристикаси.                        |           |
| 3.4. Конструкцияларни монтаж қилиш учун кран танлаш.                                                                |           |

## КИРИШ БЎЛИМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги **“2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”** мавзусидаги маърузаси асосида яратилган ушбу ўқув қўлланмада маърузани ўрганиш бўйича иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун махсус курснинг ўқув дастури, ўқув қўлланма, тест саволлари, илмий-назарий атамалар глоссарийси ҳамда умумий назорат саволлари жамланган.

Президентимиз маърузасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди:

**биринчидан**, юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш;

**иккинчидан**, иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш;

**учинчидан**, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш;

**тўртинчидан**, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;


**бешинчидан**, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш;

**олтинчидан**, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш;

**еттинчидан**, “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш.

Шу боис ҳам мана уч йилдирки, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг пухтаижросини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилмоқда. Яъни, қишлоқларимиз ҳаёт сифати, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савияси, онги ва фуқаролик масъулияти ошишининг мустаҳкам ташкилий асосга қўйилишида замонавий уй жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим ўрин тутмоқда. Бунда, белгиланган вазифаларни мутасадди шахсларнинг тушуниш ва ижро этиш масъулиятига қараб замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга уларнинг қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони ҳам ортмоқда (1-расм).



**1-расм.**


Бинобарин, замонавий уй жойлар қурилишининг **мазмун-моҳияти** қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгартирилиши борасидаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ узок муддатли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишининг жадаллашуvidан далолат бермоқда. Яъни, фермер хўжаликлари ривожига ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, қишлоқда мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг имтиёз ва рағбатлантириш чоралари кенгайиб, янги имкониятлар яратилмоқда.

Энг муҳими, қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узок истиқболга мўлжалланган, лойihalаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди. Бундай база

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

### **Қишлоқларимизнинг шаҳар билан бўйлашуви**

Бир неча асрлар аввал табиатан бунёдкор халқимиз тафаккури, салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд этилган маҳобатли обидаларимиз ҳозирда дунё



аҳлининг ҳайратига сазовор.

### **2-расм.**

Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни, 2009 йилдан буён Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида республикамизнинг барча қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган тураржойларни қуриш кўлами кенгаймоқда

## **I.АРХИТЕКТУРАВИЙ КУРИЛИШ БЎЛИМИ**

**Қурилиш майдони бўйича қисқача муҳандислик характеристика.**

Менга топширилган вазифа « **Нукус шаҳрида кам қаватли синчли турар жой биносини лойиҳалаш** » иши топширилди.

Бино узунлиги -30м,

Эни -12м,

Баландлиги -9,02м

Биконинг қурилиш урни Нукус шаҳри. Бино иссиқ климаталогик ҳудудда жойлашган бўлиб қишки ўртача ҳаво температураси  $t = 18 - 20^{\circ}\text{C}$ .

Ернинг мўзлаш чўқурлиги 0,9м.

## **ИМОРАТНИНГ ХОНАЛАР ТИЗИМИ**

### **1- Кават хоналар тизими**

| Номер | Атамалари     | Олш<br>ами     | Майдони |
|-------|---------------|----------------|---------|
| 1     | Хол           | м <sup>2</sup> | 70,5    |
| 2     | Кафе          | м <sup>2</sup> | 36      |
| 3     | Ювиниш хонаси | м <sup>2</sup> | 2,0     |
| 4     | Ётоқхона      | м <sup>2</sup> | 11,66   |
| 5     | Умумий хона   | м <sup>2</sup> | 15,8    |
| 6     | Меҳмон хона   | м <sup>2</sup> | 19,7    |
| 7     | Хожатхона     | м <sup>2</sup> | 1,23    |
| 8     | Ётоқхона      | м <sup>2</sup> | 10,14   |
| 9     | Ошхона        | м <sup>2</sup> | 11,14   |

### **2- Кават хоналар тизими**

| Номер | Атамалари     | Олш<br>ами     | Майдони |
|-------|---------------|----------------|---------|
| 1     | Умумий хона   | м <sup>2</sup> | 16,21   |
| 2     | Ошхона        | м <sup>2</sup> | 9,03    |
| 3.    | Ювиниш хонаси | м <sup>2</sup> | 2,0     |
| 4.    | Хожатхона     | м <sup>2</sup> | 1,23    |
| 5.    | Ётоқхона      | м <sup>2</sup> | 10,0    |
| 6.    | Ётоқхона      | м <sup>2</sup> | 10,0    |
| 7.    | Ётоқхона      | м <sup>2</sup> | 14,6    |
|       |               |                |         |

Бино сейсмик кучлар тасирига чидам бера олиши учун хуйидаги конструкцияларни танлаб олдим. Синчли бино ғиштли бинога нисбатан анча пишиқ ва мустаҳкам бўлади. Бунинг учун конструкцияларни туғри танлаб олиш лозим.

### 1-Асос


Ф-1

Стакан симон фундамент

Бетон маркаси –В25

Бетон хажми – 0,302

Пўлат сарфи – 337кг



### 2-Фундамент балкаси

ИБФ-3


Бетон маркаси –В 15

Бетон хажми – 1,16

Пўлат сарфи – 6,5кг

Узунлиги L=2950мм

Эни-20х30см, Вазни-0,4т



ИБФ-3

Бетон маркаси –В 15

Бетон хажми – 2,28

Пўлат сарфи – 13,5кг

Узунлиги L=5950мм


Эни-20х30см, Вазни-0,68т

### 2-Устун

К-40-І

Бетон маркаси –В 25

Бетон хажми – 0,56



Пўлат сарфи – 78,70кг

Стаканга ўтирар жойи А=400

Баландлиги Н=7,5м

Эни-30х30см, Вазни-2,8т

### **3-Ригел**

РЛ4.52-АIII-С


Бетон маркаси –В 25

Бетон хажми – 0,84

Пўлат сарфи – 144,5кг

Балантдлиги Н=5750

Эни-30х40см, Вазни-2,1т



### **4-Епмалар**

ПК59.6-АIУ<sub>Т</sub>-С7

Бетон маркаси –В 15

Бетон хажми – 0,825

Пўлат сарфи – 29,24кг

Баландлиги Н=220мм

Эни-1190мм

Узунлиги –L=5860мм

Вазни-2,7т

ПК59.10-3АIУ<sub>Т</sub>-С7

Бетон маркаси –В 15

Бетон хажми – 0,685


Пўлат сарфи – 19,35кг

Баландлиги Н=220мм

Эни-990мм

Узунлиги –L=5860мм

Вазни-1,715т



ПК29.10-6ШТА-С7


ПК29.12-8ШТА-С7

Бетон маркаси –В 15  
Бетон хажми – 0,33  
Пўлат сарфи – 9,5кг  
Баландлиги Н=220мм  
Эни-990мм  
Узунлиги –L=2860мм  
Вазни-0,83т

Бетон маркаси –В 15  
Бетон хажми – 0,4  
Пўлат сарфи – 12,8кг  
Баландлиги Н=220мм  
Эни-1190мм  
Узунлиги –L=2860мм  
Вазни-1,00т

#### **4-Панеллар**

СПКи 15-1  
Бетон маркаси –В 75  
Бетон хажми – 1,13  
Пўлат сарфи – 27,9кг  
Баландлиги Н=300мм  
Эни-L=1490мм  
Узунлиги Н=2980мм  
Вазни-1,5т



## II. Ҳисоблаш-конструктивлик бўлим

### ҲИСОБЛАШГА ДОИР КЎРСАТМАЛАР

Зилзилавий ҳудудларда қўриладиган каркас(синч)ли бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ишлари қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

а) каркас қисмларида доимий ва муваққат юклар таъсирида вужудга келадиган зўриқишларни аниқлаш;

б) каркас қисмларида сейсмик кучлар таъсирида вужудга келадиган зўриқишларни аниқлаш;

в) каркас қисмларида қисқа муддатли юклар таъсирида вужудга келадиган зўриқишларни аниқлаш;

г) конструкцияларда ҳисобий жамлама кучлар таъсирида вужудга келадиган зўриқишларни аниқлаш;

д) конструкция элементларининг ҳисобий юклар таъсиридаги мустаҳкамлиги ва юк кўтариш қобилиятини текшириш.

Мазкур методик кўрсатмаларда фақат сейсмик кучлар таъсирида вужудга келадиган зўриқишларни аниқлашга доир асосий ҳисоблаш қоидалари баён этилади.

Сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қуриладиган жойнинг сейсмиклиги ва бинонинг ҳисобий сейсмиклиги аниқланади;

б) бино эркин тебранишларининг давр ва шакллари ҳисобланади;

в) бинога таъсир этадиган ҳисобий сейсмик куч топилади;

г) бино каркаси сейсмик кучлар таъсирига ҳисобланади ва ҳисобий сейсмик зўриқишлар аниқланади.

## ҲИСОБИЙ СЕЙСМИК КУЧЛАРНИ АНИҚЛАШ

Ҳисобий сейсмик кучлар деганда, zilзила жараёнида тебранаётган биноларда вужудга келадиган горизонтал инерция кучлари тушунилади. Ушбу кучлар бинога статик равишда қўйилган деб қаралади.


Одатда, биноларни сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблаш ишлари яхлит бино учун бир йўла амалга оширилади. Бунда бинолар бўйлама ва кўндаланг йўналишларда алоҳида ҳисобланади. Агар бино такрорланувчи бир хил қисмлардан ташкил топган бўлса, бинонинг биргина қисми ҳисобланса kiffoя.



Шунга амал қилиб, биргина кўндаланг раманинг ҳисоби билан танишиб чиқамиз.

### ВАРИАНТ

Икки қаватли тураржой биносининг каркасида (1 ва 2 расмлар) сейсмик кучлар таъсирида вужудга келадиган зўриқишлар аниқлансин. Бинонинг каркаси бўйлама ва кўндаланг йўналишларда бикир тугунли рама шаклида қабул қилинсин. Каркас материали В30 синфли бетондан ишланган ( $E_b = 2,6 \cdot 10^4$  МПа).


Ригеллар тавр шаклига эга. Деворлари тасмасимон ойнали панеллардан иборат.





1-расм. Бинонинг плани ҳамда бўйлама фасад схемалари.





## **ҲИСОБЛАШГА ДОИР МИСОЛ**

Ҳисоблаш учун маълумотлар:

Қурилиш майдонининг сейсмиклиги – 7 балл, Нукус ш.

Қурилиш майдони грунтининг зилзилавий тоифаси – II.

Четки устунлар кесими – 0,3х0,3 м.

Ўрта устунлар кесими – 0,3х0,3 м.

Устунлар орасидаги масофа -  $\ell = 6,0$  м;

Устунлар қадами –  $L = 6,0$  м;

Қаватлар баландлиги –  $H_1 = 3,3$  м ва  $H_2 = 3,3$  м.

Ригелнинг кўндаланг кесими тавр шаклига эга (3-расм).

Кўндаланг рамалар орасидаги масофалар бир хил бўлганлиги сабабли битта кўндаланг раманинг ҳисоби кифоя қилади.

Ҳисоб ишларини бир нечта босқичларга ажратишни талаб этади.

### **I. ОРАЁПМА ВА ТОМ ЁПМА САТҲЛАРИДА БИНО КАРКАСИНИНГ БИРЛИК КЎЧИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

а) Рама элементларининг инерция моментларини аниқлаш.


Устунлар кесимининг инерция моменти:

$$J_{\kappa}^{кр} = \frac{b \cdot h^3}{12} = \frac{0,3^4}{12} = 6,75 \cdot 10^{-4} \text{ м}^4$$

Ригелнинг кўндаланг кесими устунниқига қараганда мураккаб шаклга эга. Шу сабабли ишни олдин ригелнинг кўндаланг кесими оғирлик маркази ҳолатини аниқлашдан бошлаймиз:

$$z_0 = \frac{F_1 \cdot y_1 + F_2 \cdot y_2}{F_1 + F_2} = \frac{0,3 \cdot 0,2 \cdot 0,1 + 0,1 \cdot 0,2 \cdot 0,3}{0,3 \cdot 0,2 + 0,1 \cdot 0,2} = 0,15 \text{ м} = 15 \text{ см}.$$

## Ўқимнинг инерция моментини ҳисоблаш




3-расм. Ригелнинг кўндаланг кесими.

Сўнгра ригелнинг оғирлик марказидан ўтувчи Х-Х ўқига нисбан бутун кесимнинг инерция моментини ҳисоблаймиз:

$$J_{x-x} = \frac{b_1 \cdot h_1^3}{12} + F_1 \cdot (z_0 - y_1)^2 + \frac{b_2 \cdot h_2^3}{12} + F_2 \cdot (y_2 - z_0)^2 = \frac{0,3 \cdot 0,2^3}{12} + (0,1 - 0,15)^2 \cdot 0,06 + \frac{0,1 \cdot 0,2^3}{12} + (0,3 - 0,1)^2 \cdot 0,02 = 12,167 \cdot 10^{-4} \text{ м}^4 = 0,0012 \text{ м}^4$$

б) Бино каркаси динамик ҳисоблаш схемасини куриш.



4-расм. Бино каркасининг статик (а) ва динамик (б) ҳисоблаш схемалари.

Бино каркасининг статик (а) ва динамик (б) ҳисоблаш схемалари 4-расмда келтирилган.

Бинонинг биринчи (+3,3 м) ва иккинчи (+6,6 м) қават сатҳ белгилари ригелларнинг оғирлик марказларига, (-0,15) эса пойдевор юқори сиртининг сатҳига мос келади.


Бинонинг тарҳи(плани), фасади ва кўндаланг қирқими 1 ва 2 расмларда тасвирланган.

### Устун ва ригелларнинг жамланган нисбий бикирликларини аниқлаш

Нисбий бикирликларни қуйидаги формулалардан фойдаланиб аниқланади:

$$f_y = \sum_{i=1}^n \frac{EJ_y}{h_y} - \text{устунлар учун}$$

$$r_p = \sum_{i=1}^n \frac{EJ_p}{h_p} - \text{ригеллар учун}$$



5-расм. Бино каркасининг кўндаланг рамасининг ҳисоблаш схемаси.

Устун ва ригелларнинг туташган ерларини бикир тугун деб қабул қиламиз. Шунга кўра элементларнинг нисбий бикирликларини аниқлашда уларнинг эркин узунлигидан фойдаланамиз. Кўндаланг раманинг ҳисоблаш схемаси 5-расмда берилган.

Бу ердаги  $h_1$  ва  $h_2$  лар қуйидагича аниқланади:

$$h_1 = H_1 - 0,15 = 3,3 - 0,15 = 3,15 \text{ м.}$$

$$h_2 = H_2 - 0,4 = 3,3 - 0,4 = 2,9 \text{ м.}$$

6-расм.

Ораликлар ҳисобий узунлиги

$$\ell_{01} = \ell_{02} = \ell - 0,2 - 0,3 = 6,0 - 0,5 = 5,5 \text{ м.}$$

Биринчи қават устунларининг нисбий бикирлиги:

$$f_1 = \frac{E 6,75 \cdot 10^{-4}}{3,15} = 2,143 \cdot 10^{-4} E, \text{ м}^3$$

Иккинчи қават устунларининг нисбий бикирлиги:

$$f_2 = \frac{E6,75 \cdot 10^{-4}}{2,9} = 2,328 \cdot 10^{-4} E, \text{ м}^3$$

Ригелнинг кесимлари биринчи ва иккинчи қаватларда бир хил бўлганлиги учун:

$$r_1 = r_2 = \frac{2E \cdot 12 \cdot 10^{-4}}{5,5} = 4,36 \cdot 10^{-4} E, \text{ м}^3$$

Кўчишларни аниқлашда тақрибий формулалардан фойдаланамиз:

$$A_1 = \frac{h_1^2}{f_1} = \frac{3,15^2}{2,143 \cdot 10^{-4} E} = 46300 \cdot E^{-1}$$

$$A_2 = \frac{h_1^2}{f_1} + \frac{h_2^2}{f_2} = 46300 \cdot E^{-1} + \frac{2,9^2}{2,328 \cdot 10^{-4} E} = 82400 \cdot E^{-1};$$

$$R_1 = \frac{h_1^2}{4r_1 + 0,33f_1} = \frac{3,15^2}{(4 \cdot 4,36 + 0,33 \cdot 2,143) \cdot 10^{-4} E} = 5466 \cdot E^{-1}; \quad \frac{1}{\text{м}}$$

$$R_2 = \frac{(h_1 + h_2)^2}{4r_1 + 0,33f_1} = \frac{6,05^2}{(4 \cdot 4,36 + 0,33 \cdot 2,328) \cdot 10^{-4} E} = 20000 \cdot E^{-1}; \quad \frac{1}{\text{м}}$$

$$F_1 = \frac{h_1^2}{4r_1} = \frac{3,15^2}{4 \cdot 4,36 \cdot 10^{-4} E} = 5689,5 \cdot E^{-1}; \quad \frac{1}{\text{м}}$$

$$F_2 = \frac{h_2^2}{4r_2} = \frac{2,9^2}{4 \cdot 4,36 \cdot 10^{-4} E} = 4822,2 \cdot E^{-1}; \quad \frac{1}{\text{м}}$$

$$_{\Delta} F = \frac{h_1 \cdot h_2}{4r_1 + 4f_1} = \frac{3,15 \cdot 2,9}{(4 \cdot 4,36 + 4 \cdot 2,143) \cdot 10^{-4} E} = 3513,5 \cdot E^{-1}; \quad \frac{1}{\text{м}}$$

Топилган қийматларни формулага қўйиб, бирлик кўчишларни аниқлаймиз:

$$d_{11} = \frac{1}{12} (A_1 + R_1) = \frac{46300 + 5466}{12 \cdot E} = 4313,83 \cdot E^{-1} = \frac{4313,83}{2,6 \cdot 10^{10}} = 1659,2 \cdot 10^{-10}, \frac{\text{м}}{\text{Н}};$$

$$\delta_{22} = \frac{1}{12} (A_2 + R_2 + F_2) = \frac{(82400 + 19900 + 4820)}{12 \cdot E} = 8935,2 \cdot E^{-1} = \frac{8935,2}{2,6 \cdot 10^{10}} = 3436,6 \cdot 10^{-10}, \frac{\text{м}}{\text{Н}};$$

$$\delta_{12} = \delta_{21} = \delta_{11} + _{\Delta} F = (4313,8 + 3513,5) \cdot E^{-1} = 7827,3 \cdot E^{-1} = \frac{7827,3}{2,6 \cdot 10^{10}} = 3010,5 \cdot 10^{-10}, \frac{\text{м}}{\text{Н}};$$

Текшириш. Барча амаллар тўғри бажарилган бўлса, қуйидаги тенглик қаноатлантирилади:

$$\frac{1}{12} \left( \sum_{i=1}^k A_k + \sum_{i=1}^k R_k + \sum_{i=1}^k \frac{h_k^2}{4r_k} \right) = \sum_{i=1}^k \delta_{kk}$$

Бизнинг ҳол учун бу тенглик қуйидагича ёзилади:

$$\frac{1}{12} (A_1 + A_2 + R_1 + R_2 + \frac{h_1^2}{4r_1} + \frac{h_2^2}{4r_2}) = \delta_{11} + \delta_{22}$$

$$\frac{1}{12} (46300 + 82400 + 5466 + 19900 + 5689,5 + 4820) \cdot E^{-1} =$$

$$= 13714,625 \cdot E^{-1};$$

$$\delta_{11} + \delta_{22} = (4313,83 + 8926,66) \cdot E^{-1} = 13240,49 \cdot E^{-1}$$

Хатолик фоизи.  $x = \frac{13714,625 - 13240,49}{13240,49} \cdot 100\% = 3,5\% < 5\%$

Хатолик йўл қўйиладиган даражада экан. Демак бирлик кўчишлар тўғри аниқланган.

## **II. ҚАВАТЛАРАРО ВА ТОМ ЁПМА САТҲЛАРИДА ТЎПЛАНГАН**

### **МАССАЛАРНИ АНИҚЛАШ**

Қаватлараро ва том ёпма сатҳида тўпланган юклар  $Q_k$  ни 2-жадвалда берилган норматив (меъёрий) юклар бўйича ҳисоблаймиз.

3-жадвал

| т/р | Вертикал юкларнинг номланиши                      | Ораёпма сатҳида, $Q_1$ , кН.                          | Том ёпма сатҳида, $Q_2$ , кН.                         |
|-----|---------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|
|     | <b>А. ДОИМИЙ</b>                                  |                                                       |                                                       |
| 1.  | Том ёпма вазни ( $h=220$ )                        | $2,86 \times 12 \times 15 \times 0,9 =$<br>$= 463,32$ | $2,86 \times 12 \times 15 \times 0,9 =$<br>$= 463,32$ |
| 2.  | Цемент қумли текисловчи вазни ( $b=20\text{мм}$ ) | $0,59 \times 12 \times 15 \times 0,9 =$<br>$= 63,18$  | $0,59 \times 12 \times 15 \times 0,9 =$<br>$= 63,18$  |
| 3   | Иссиқлик қорғовчи қатлам                          |                                                       | $0,832 \times 12 \times 15 \times 0,9 =$              |

|    |                                     |                                                                                         |                                                                          |
|----|-------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
|    | =80мм керамзитабетон)               |                                                                                         | =134,784                                                                 |
| 4  | 4-катлам рубероид вазни             |                                                                                         | $0,26 \times 12 \times 15 \times 0,9 = 42,12$                            |
| 5  | Бугдан сақловчи ҳимоя қатлами вазни |                                                                                         | $0,065 \times 12 \times 15 \times 0,9 = 10,53$                           |
| 6  | Пол ва тўсиқлар вазни               | $0,04 \times 12 \times 15 \times 1,1 \times 0,9 = 7,128$                                | -                                                                        |
| 7  | Устунлар вазни                      | $(0,3 \times 0,3 \times 0,3) \times 25 \times 10 \times 12 = 89,10$                     | $(0,3 \times 0,3 \times 1,65) \times 25 \times 10 \times 12 = 44,55$     |
| 8  | Ригеллар вазни                      | $((0,3 \times 0,2) + (0,1 \times 0,2)) \times 6,0 \times 8 \times 1,0 \times 25,0 = 96$ | $((0,3 \times 0,2 + 0,1 \times 0,2)) \times 6,0 \times 8 \times 25 = 96$ |
| 9  | Панел деворлар вазни                | $(41,58 \times 5,67 - 0,324) \times 25 = 889,65$                                        | $(41,58 - 6,3) / 2 \times 25 = 441$                                      |
| 10 | Ишки деворлар вазни                 | $(72 \times 0,12 \times 3 - 5,67) \times 25 = 506,25$                                   | $(72 \times 0,12 \times 3 - 5,67) \times 25 = 506,25$                    |
| 11 | Зинапоя вазни                       | $800 \times 2 + 1500 = 3100 = 31 \text{кН}$                                             | $0,5 \times 1,76 \times 6 \times 2 = 10,56$                              |
|    | Қор вазни                           |                                                                                         | $0,7 \times 12 \times 15 \times 0,5 = 63,0$                              |
|    |                                     | 2145,6                                                                                  | 1865,0                                                                   |

### **III. БИНО КАРКАСИ ХУСУСИЙ ТЕБРАНИШЛАРИНИНГ ТАКРОРЛИГИ ВА ШАКЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Бино каркасининг динамик ҳисоблаш схемаси 4-расмда келтирилган.

Эркинлик даражаси иккига тенг бўлган системанинг хусусий тебранишлар тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{cases} (m_1\delta_{11} - \frac{1}{\omega_i^2})X_1 + m_2\delta_{12}X_2 = 0; \\ (m_1\delta_{21}X_1 + (m_2\delta_{22} - \frac{1}{\omega_i^2})X_2 = 0; \end{cases}$$

бу ерда:

$$m_1 = \frac{Q_1}{g} = \frac{2145,6 \cdot 10^3}{9,81} = 21,87 \cdot 10^4 \frac{\text{Н} \cdot \text{с}^2}{\text{м}};$$

$$m_2 = \frac{Q_2}{g} = \frac{1865 \cdot 10^3}{9,81} = 19 \cdot 10^4 \frac{\text{Н} \cdot \text{с}^2}{\text{м}}.$$

$X_1$  ва  $X_2$  ларнинг қийматлари нолдан фарқли бўлиши учун тенгламалар системасининг аниқловчиси нолга тенг бўлиши зарур:

$$\begin{vmatrix} (m_1\delta_{11} - \frac{1}{\omega_i^2}) & m_2\delta_{12} \\ m_1\delta_{21} & (m_2\delta_{22} - \frac{1}{\omega_i^2}) \end{vmatrix} = 0.$$

Аниқловчини очиб, такрорликлар тенгламасига эга бўламиз:

$$\frac{1}{\omega_i^4} - (m_1\delta_{11} + m_2\delta_{22})\frac{1}{\omega_i^2} + m_1m_2(\delta_{11}\delta_{22} - \delta_{12}^2) = 0.$$

Тенгламани қуйидаги формула ёрдамида ечса бўлади:

$$\omega_i^2 = \frac{A \pm \sqrt{A^2 - 4B}}{2B};$$

бу ерда:  $A = m_1\delta_{11} + m_2\delta_{22};$

$$B = m_1m_2(\delta_{11}\delta_{22} - \delta_{12}^2).$$

Системанинг эркин тебранишлар такрорлигини аниқлаймиз:

$$A = (21,8 \cdot 165,92 + 19 \cdot 3436,6) \cdot 10^6 = 101,582 \cdot 10^3 = 1015,82 \cdot 10^4, \text{с}^2$$

$$B = 21,87 \cdot 10^4 \cdot 19 \cdot 10^4 [1659,2 \cdot 10^{-10} \cdot 3436,6 \cdot 10^{-10} - 90631103 \cdot 10^{-20}] = -1396638 \cdot 10^{-8}, \text{с}^2$$

$$\omega_{1,2}^2 = \frac{1015,82 \cdot 10^4 \pm \sqrt{(1031890,3 + 4 \cdot 139663,8) \cdot 10^{-8}}}{2 \cdot (-139663,8) \cdot 10^{-8}} = \frac{1015,82 \cdot 10^4 \pm 1261,2 \cdot 10^{-4}}{279327,6 \cdot 10^{-8}};$$

$$\omega_1^2 = 8,785 \frac{1}{c^2};$$

$$\omega_2^2 = -81,518 \frac{1}{c^2};$$

$$\omega_1 = 2,96 \frac{1}{c};$$

$$\omega_2 = -9,03 \frac{1}{c};$$

Шу такрорликларга мос тебраниш даврлари:

$$T_1 = T_2 = \frac{2\pi}{\omega_1} = \frac{2 \cdot 3,14}{2,96} = 2,12 \text{ c};$$


### Эркин тебраниш шакллари аниқлаш

Тебранишларнинг биринчи шакли.  $X_{11}=1,0$  деб оламиз. У ҳолда


$$X_{21} = \frac{m_1 \delta_{12} \omega_1^2}{1 - m_2 \delta_{22} \omega_1^2} = \frac{21,8 \cdot 10^4 \cdot 3010,5 \cdot 10^{-10} \cdot 8,785}{1 - 19 \cdot 10^4 \cdot 3436,6 \cdot 10^{-10} \cdot 8,785} = 1,34.$$

$$X_{22} = \frac{m_1 \delta_{12} \omega_2^2}{1 - m_2 \delta_{22} \omega_2^2} = \frac{21,87 \cdot 10^4 \cdot 3010,5 \cdot 10^{-10} \cdot (-81,518)}{1 - 19 \cdot 10^4 \cdot 3436,6 \cdot 10^{-10} \cdot (-81,518)} = -0,85.$$

Тебранишларнинг иккинчи шакли.  $X_{12}=1,0$  деб оламиз. У ҳолда



биринчи шакл



иккинчи шакл

8-расм. Тебраниш шакллари.

#### IV. БИНОЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ҲИСОБИЙ СЕЙСМИК

##### КУЧЛАРНИ АНИҚЛАШ

Зилзилавий ҳудудларда жойлашган ҳар бир мамлакатда сейсмик кучларни аниқлаш учун ўзларининг меъёрий ҳужжатлари мавжуд.

ҚМҚ 2.01.03 – 96 га кўра бино ва иншоотларнинг хусусий тебранишлари *i*-шакли бўйича иншоотнинг *K*-нуқтасига таъсир этувчи ҳисобий сейсмик куч қуйидаги формуладан аниқланади:

$$S_{ik} = K_o K_n K_{\text{эт}} K_p S_{oik} \quad (1)$$

$$S_{oik} = \alpha Q_k W_i K_\delta \eta_{ik} \quad (2)$$

Бу ерда,  $S_{oik}$  – конструкция эластик деформацияланади деб фараз этилганда ҳосил бўладиган инерция(сейсмик) кучи;

$K_o$  – масъуллик коэффициенти;

$K_n$  – зилзиланинг такрорийлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

$K_{\text{эт}}$  – бино қаватлари сонига боғлиқ бўлган коэффициент;

$K_p$  – мунтазамлик (регулярность) коэффициенти;

$\alpha$  – қурилиш майдонининг сейсмиклик коэффициенти;

$Q_k$  – ҳисоблаш схемасида (8-расм) *K* нуқтасига тўпланган бино вазни;

$W_i$  – спектрал коэффициент бўлиб, лойиҳалаштирилаётган объектнинг хусусий тебранишлари даври, регионлар индекси ҳамда грунтларнинг сейсмик хоссалари бўйича тоифасига боғлиқ ҳолда аниқланади. Биноларнинг динамик тавсифларини аниқлашда заминнинг силжиш ва оғиш бўйича эластик қайишқоқлигини ҳисобга олиш зарур.

$K_\delta$  – диссипация коэффициенти;

$\eta_{ik}$  – бино *i*-тон бўйича тебранганда хусусий тебранишлар шаклига ва ҳисоблаш схемасида юкларнинг жойлашиш ўрнига боғлиқ бўлган коэффициент;

$K_\delta$  - коэффициенти қуйидаги формуладан аниқланади:

$$K_\delta = e^{(0,548 - \sqrt{\delta})(0,1 + \frac{0,7}{\sqrt{T_1}})} \quad (3)$$

бу ерда,  $\delta$  – тебранишлар декременти бўлиб, лойихалаштирилаётган биноларга ўхшаш биноларни натуравий синаш йўли билан аниқланади.

$T_1$  – бионинг хусусий тебранишлари даври.


Бизнинг ҳол учун (1) ва (2) формулалар коэффициентлари ҚМҚ 2.01.03 – 96 бўйича қуйидаги қийматларга эга:

Биз ҳисоблаётган бионинг масъуллик тоифаси IV бўлганлиги учун, масъуллик коэффициенти –  $K_0 = 1,0$  га тенг, (2.3-жадвал)\*.

Зилзила такрорийлигини ҳисобга олувчи коэффициент -  $K_{\pi}=0,8$  га тенг, (2.4-жадвал).

2.10 жадвалнинг 4 бандига биноан -  $K_{эт}=0,75$  га тенг.

2.12 жадвалнинг 1 бандига кўра



$$\frac{L_x}{L_y} = \frac{30}{12} = 2,5 < 5, \text{ бўлгани учун } K_p=1,0.$$

(1) формулага тегишли коэффициентларни аниқлаб бўлдик.

Энди (2) формуладаги коэффициент ва бошқа физик миқдорларни аниқлашга ўтамиз.

---

\* Жадвал рақамлари ҚМҚ 2.01.03-96 га мос бўлиб, жадваллар иловада келтирилган.

Қурилиш майдонининг сейсмиклик коэффициенти 2.7-жадвалга мувофиқ 7 балли ҳудуд учун –  $\alpha = 0,25$ ;

2.8-жадвалдан Нукус шаҳри учун манзил (регион) индекси – I ва грунт тоифаси – II ҳамда бионинг хусусий тебранишлари даври  $T_1=0,2198$  с бўлганда биринчи шакл учун спектрал коэффициент қиймати –  $W_1=2,96$  га тенг;

$$W_2 = W_{20} - \frac{W_{20} - W_{25}}{5} = 1,24 - \frac{1,24 - 1,22}{5} = 1,236$$

Тебранишларнинг иккинчи шакли учун  $T_1=2,12$  с бўлганда спектрал коэффициент қуйидагига тенг бўлади:

$$W_2 = W_{20} - \frac{W_{20} - W_{25}}{5} = 1,24 - \frac{1,24 - 1,22}{5} = 1,236$$

Диссипация коэффициентини аниқлаш учун 2.9-жадвалдан бинонинг конструктив ечимига қараб логарифмик декрементни аниқлаймиз.  $T_1 = 2,12$  с ва  $\delta = 0,3$  қийматларни (3) формулага қўямиз:

$$K_\delta = e^{(0,548 - \sqrt{\delta})(0,1 + \frac{0,7}{\sqrt{T_1}})} = e^{(0,548 - \sqrt{0,3})(0,1 + \frac{0,7}{\sqrt{2,12}})} = 1,0.$$

Тебранишларнинг шакл коэффициенти қуйидаги формуладан топилади:


$$\eta_{ik} = \frac{X_i(X_k) \sum_{j=1}^n Q_j X_i(X_j)}{\sum_{j=1}^n Q_j X_i^2(X_j)} \quad (4)$$

бу ерда:  $X_i(X_k)$  ва  $X_i(X_j)$  – бино ёки иншоот  $i$ -тон бўйича эркин тебранганида массалар тўпланган  $K$  ва  $j$  нуқталарнинг кўчишлари (амплитудалари);  $Q_j$  –  $j$  нуқтага тўпланган массанинг вазни (8- расм);

Қаватлар сони 5 дан кам бўлиб, бинонинг тебраниш даври  $T_1 \leq 0,4$ с бўлса  $\eta_{ik}$  коэффициенти қуйидаги соддалаштирилган формуладан аниқла-ниши мумкин:

$$\eta_{ik} = \frac{X_k \sum_{j=1}^n Q_j X_j}{\sum_{j=1}^n Q_j X_j^2}, \quad (5)$$

бу ерда,  $X_k$  ва  $X_j$  – пойдеворнинг юкори сиртидан  $K$  ва  $j$  нуқталаргача бўлган масофалар;



8-расм. Бинонинг ҳисоблаш схемаси.

## Тебранишларнинг шакл коэффициентларини аниқлаш

Тебранишларнинг шакл коэффициентлари иншоотнинг турли сатҳлари-даги нукталар турли амплитуда  $X(X_k)$  билан, бинобарин, турли тезланиш билан тебранишини ҳисобга оладиган коэффициентдир. Коэффициентнинг миқдори (4) формуладан топилади.

Тебранишларнинг биринчи шакл коэффициентлари:

$$\eta_{11} = X_{11} \frac{X_{11}Q_1 + X_{21}Q_2}{X_{11}^2 Q_1 + X_{21}^2 Q_2} = \frac{1,0 \cdot 2145,6 \cdot 10^3 + 1,34 \cdot 1865 \cdot 10^3}{1^2 \cdot 2145,6 \cdot 10^3 + 1,796 \cdot 1865 \cdot 10^3} = 0,85;$$

$$\eta_{12} = X_{21}\eta_{11} = 1,34 \cdot 0,85 = 1,133$$

Тебранишларнинг иккинчи шакл коэффициентлари

$$\eta_{21} = \frac{X_{12}Q_1 + X_{22}Q_2}{X_{12}^2 Q_1 + X_{22}^2 Q_2} = \frac{1 \cdot 2145,6 \cdot 10^3 + (-0,85) \cdot 1865 \cdot 10^3}{1^2 \cdot 2145,6 \cdot 10^3 + (-0,85)^2 \cdot 1865 \cdot 10^3} = 0,16;$$

$$\eta_{22} = X_{22}\eta_{21} = (-0,85) \cdot 0,16 = -0,136.$$

Бажарилган ишларнинг тўғрилигини текшираимиз.

1. Эркинлик даражаси чексиз бўлган системаларда ихтиёрий нуктадаги шакл коэффициентларининг йиғиндисы бирга тенг бўлиши зарур:

$$\sum_1^{\infty} \eta_{1i}(X_i) = 1,0;$$

$$\sum_1^2 \eta_{i1}(X_{i1}) = \eta_{11} + \eta_{21} = 0,85 + 0,16 = 1,01;$$

$$\sum_1^2 \eta_{i2}(X_{i2}) = \eta_{12} + \eta_{22} = 1,133 - 0,136 = 0,997.$$

2. Тебраниш шакллариининг ортогоналлигини текшириш

$$\int_0^{\ell} f_i(X_i) \cdot f_j(X_j) \cdot m(x) dx = 0; \quad i \neq j$$

Бизнинг ҳол учун ушбу формула қуйидаги кўринишга эга:

$$m_1 X_{11} X_{12} + m_2 X_{21} X_{22} = 0;$$

$$21,87 \cdot 10^4 \cdot 1 \cdot 1 + 19 \cdot 10^4 \cdot 1,34 \cdot (-0,85) = 0;$$

$$21,87 \cdot 10^4 - 21,64 \cdot 10^4 = 0$$

Ҳар иккала шарт ҳам қаноатлантириляпти. Демак шакл коэффициент-лари тўғри аниқланган.

Аниқланган коэффициентлар ва физик миқдорларни (1) ва (2) формулаларга қўйиб, сейсмик кучларнинг қийматларини аниқлаймиз.

Тебранишларнинг **биринчи шакли** бўйича ҳисобий сейсмик кучлар:

Ораёпма сатҳида

$$S_{011} = \alpha Q_1 W_1 K_\delta \eta_{11} = 0,25 \cdot 2145,6 \cdot 10^3 \cdot 2,96 \cdot 1,0 \cdot 0,85 = 1867,9 \text{ кН};$$

$$S_{11} = K_o K_n K_{\text{эт}} K_p S_{011} = 1,0 \cdot 0,8 \cdot 0,75 \cdot 1,0 \cdot 1867,9 = 1120,74 \text{ кН}.$$

Том сатҳида

$$S_{012} = \alpha Q_2 W_1 K_\delta \eta_{21} = 0,25 \cdot 1865 \cdot 10^5 \cdot 2,96 \cdot 1,0 \cdot 0,16 = 220,816 \text{ кН};$$

$$S_{12} = K_o K_n K_{\text{эт}} K_p S_{012} = 1,0 \cdot 0,8 \cdot 0,75 \cdot 1,0 \cdot 220,816 = 132,489 \text{ кН}.$$

Тебранишларнинг **иккинчи шакли** бўйича ҳисобий сейсмик кучлар:

Ораёпма сатҳида

$$S_{021} = \alpha Q_1 W_2 K_\delta \eta_{12} = 0,25 \cdot 2145,6 \cdot 10^5 \cdot (-9,03) \cdot 1,0 \cdot 1,133 = -5487,9 \text{ кН};$$

$$S_{21} = K_o K_n K_{\text{эт}} K_p S_{021} = 1,0 \cdot 0,8 \cdot 0,75 \cdot 1,0 \cdot (-5487,9) = -3292,7 \text{ кН}.$$

Том сатҳида

$$S_{022} = \alpha Q_1 W_2 K_\delta \eta_{22} = 0,25 \cdot 2145,6 \cdot 10^5 \cdot (-9,03) \cdot 1,0 \cdot (-0,136) = 658,7 \text{ кН};$$

$$S_{22} = K_o K_n K_{\text{эт}} K_p S_{022} = 1,0 \cdot 0,8 \cdot 0,75 \cdot 1,0 \cdot 658,7 = 395,25 \text{ кН}.$$

## **V. БИНО КАРКАСИ РАМАСИНИ СЕЙСМИК КУЧЛАР ТАЪСИРИГА**

### **ҲИСОБЛАШ**

Рамани горизонтал сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашда моментлари ноль бўлган нуқталар усулидан фойдаланамиз. Рамани ҳисоблаш схемаси 9-расмда келтирилган.

Элементларнинг нисбий бикирликларини ҳисоблаймиз.

Биринчи қават, чекка устунлар учун

$$i_{1-4} = i_{3-6} = \frac{J_y^k}{h_1} = \frac{6,75 \cdot 10^{-4}}{3,15} = 2,14 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$$

Биринчи қават, ўрта устунлар учун

$$i_{2-5} = \frac{J_y^{cp}}{h_1} = \frac{6,75 \cdot 10^{-4}}{3,15} = 2,14 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$$

Иккинчи қават, чекка устунлар учун

$$i_{4-7} = i_{6-9} = \frac{J_y^k}{h_2} = \frac{6,75 \cdot 10^{-4}}{2,9} = 2,3 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$$

Иккинчи қават, ўрта устунлар учун


$$i_{5-8} = \frac{J_k^{cp}}{h_2} = \frac{6,75 \cdot 10^{-4}}{2,9} = 2,3 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$$

Четки ораликлардаги ригеллар учун


$$i_{4-5} = i_{5-6} = i_{7-8} = i_{8-9} = \frac{J_{x-x}}{\ell_1} = \frac{40 \cdot 10^{-4}}{5,5} = 7,27 \cdot 10^{-4} \text{ м}^3$$

Тебранишларнинг биринчи шаклига оид сеймик кучлар таъсирида вужудга келадиган эгувчи моментлар эпюрасини қурамыз (10-расм).

Бунинг учун иккинчи қаватга таъсир этаётган умумий кўндаланг кучларни алоҳида устунларга тақсимлаймиз. Тақсимот устунларнинг нисбий бикирликларига мутаносиб (пропорционал) равишда амалга оширилади.



9-расм. Рамани ҳисоблаш схемаси.



10-расм. Тебранишларнинг биринчи шаклига оид

эгувчи моментлар эпюраси.

Иккинчи қават устунлари шарнирларида ҳосил бўладиган кўндаланг кучлар:

$$Q_1 = \frac{S_{12} \cdot i_{4-7}}{2(i_{4-7} + i_{5-8})} = \frac{132,489 \cdot 2,3 \cdot 10^{-4}}{2(2,3 + 2,3) \cdot 10^{-4}} = 33,12 \text{ кН};$$

$$Q_2 = \frac{S_{12} \cdot i_{5-8}}{2(i_{4-7} + i_{5-8})} = \frac{132,489 \cdot 2,3 \cdot 10^{-4}}{2(2,3 + 2,3) \cdot 10^{-4}} = 33,12 \text{ кН}.$$

Иккинчи қават устунларида вужудга келадиган эгувчи моментлар:

$$M_{4-7} = M_{7-4} = M_{9-6} = M_{6-9} = Q_1 \cdot \frac{h_2}{2} = 33,12 \cdot \frac{2,9}{2} = 48 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{5-8} = M_{8-5} = Q_2 \cdot \frac{h_2}{2} = 33,12 \cdot \frac{2,9}{2} = 48 \text{ кН} \cdot \text{м}.$$

Биринчи қават устунлари шарнирларида ҳосил бўладиган кўндаланг кучлар:

$$Q_3 = \frac{(S_{12} + S_{11}) \cdot i_{1-4}}{2(i_{1-4} + i_{2-5})} = \frac{(132,489 + 1120,74) \cdot 2,14 \cdot 10^{-4}}{2(2,14 + 2,14) \cdot 10^{-4}} = 313,3 \text{ кН};$$

$$Q_4 = \frac{(S_{12} + S_{11}) \cdot i_{2-5}}{2(i_{1-4} + i_{2-5})} = \frac{(132,489 + 1120,74) \cdot 2,14 \cdot 10^{-4}}{2(2,14 + 2,14) \cdot 10^{-4}} = 313,3 \text{ кН}.$$

Биринчи қават устунларида вужудга келадиган эгувчи моментлар:

$$M_{1-4} = M_{3-6} = Q_3 \cdot \frac{2}{3} h_1 = 313,3 \cdot \frac{2}{3} 3,15 = 657,9 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{4-1} = M_{6-3} = Q_3 \cdot \frac{1}{3} h_1 = 313,3 \cdot \frac{1}{3} 3,15 = 329 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{2-5} = Q_4 \cdot \frac{2}{3} h_1 = 313,3 \cdot \frac{2}{3} 3,15 = 657,9 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{5-2} = Q_4 \cdot \frac{1}{3} h_1 = 313,3 \cdot \frac{1}{3} 3,15 = 329 \text{ кН} \cdot \text{м}.$$

Ригелларда вужудга келадиган эгувчи моментлар:

$$M_{7-8} = M_{9-8} = M_{7-4} = 48 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{8-7} = M_{8-9} = \frac{M_{5-8} \cdot i_{8-7}}{i_{8-7} + i_{8-9}} = \frac{48 \cdot 7,27 \cdot 10^{-4}}{(7,27 + 7,27) \cdot 10^{-4}} = 24 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{4-5} = M_{5-4} = M_{4-7} + M_{4-1} = 48 + 329 = 377 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Тебранишларнинг иккинчи шаклига оид сеймик кучлар таъсирида вужудга келадиган эгувчи моментлар эюрасини қурамыз. Раманинг ҳисоби биринчи шаклдаги сингари амалга оширилади (11-расм).

Иккинчи қават устунлари шарнирларида ҳосил бўладиган кўндаланг кучлар:

$$Q_1 = \frac{S_{22} \cdot i_{4-7}}{2(i_{4-7} + i_{5-8})} = \frac{395,25 \cdot 2,3 \cdot 10^{-4}}{2(2,3 + 2,3) \cdot 10^{-4}} = 98,8 \text{ кН};$$

$$Q_2 = \frac{S_{22} \cdot i_{5-8}}{2(i_{4-7} + i_{5-8})} = \frac{395,25 \cdot 2,3 \cdot 10^{-4}}{2(2,3 + 2,3) \cdot 10^{-4}} = 98,8 \text{ кН}.$$

Иккинчи қават устунларида вужудга келадиган эгувчи моментлар:


$$M_{4-7} = M_{7-4} = M_{9-6} = M_{6-9} = Q_2 \cdot \frac{h_2}{2} = 98,8 \cdot \frac{2,9}{2} = 143,27 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$M_{5-8} = M_{8-5} = Q_2 \cdot \frac{h_2}{2} = 98,8 \cdot \frac{2,9}{2} = 143,27 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Биринчи қават устунлари шарнирларида ҳосил бўладиган кўндаланг кучлар

$$Q_3 = \frac{(S_{22} + S_{21}) \cdot i_{1-4}}{2(i_{1-4} + i_{2-5})} = \frac{(395,25 - 3292,7) \cdot 2,14 \cdot 10^{-4}}{2(2,14 + 2,14) \cdot 10^{-4}} = -724,4 \text{ кН};$$

$$Q_4 = \frac{(S_{22} + S_{21}) \cdot i_{2-5}}{2(i_{1-4} + i_{2-5})} = \frac{(395,25 - 3292,7) \cdot 2,14 \cdot 10^{-4}}{2(2,14 + 2,14) \cdot 10^{-4}} = -724,4 \text{ кН}.$$



11-расм. Тебранишларнинг иккинчи шаклига оид  
эгивчи моментлар эпюраси.

Биринчи қават устунларида вужудга келадиган эгивчи моментлар:

$$M_{1-4} = M_{3-6} = Q_3 \cdot \frac{2}{3} h_1 = -724,4 \cdot \frac{2}{3} 3,15 = -1521,16 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{4-1} = M_{6-3} = Q_3 \cdot \frac{1}{3} h_1 = -724,4 \cdot \frac{1}{3} 3,15 = -760,6 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{2-5} = Q_4 \cdot \frac{2}{3} h_1 = -724,4 \cdot \frac{2}{3} 3,15 = -1521,16 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{5-2} = Q_4 \cdot \frac{1}{3} h_1 = -724,4 \cdot \frac{1}{3} 3,15 = -760,6 \text{ кН} \cdot \text{м}.$$

Ригелларда вужудга келадиган эгивчи моментлар::

$$M_{7-8} = M_{9-8} = M_{7-4} = 143,27 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$M_{8-7} = M_{8-9} = \frac{M_{5-8} \cdot i_{8-7}}{i_{8-7} + i_{8-9}} = \frac{143,27 \cdot 7,27 \cdot 10^{-4}}{(7,27 + 7,27) \cdot 10^{-4}} = 71,6 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

